



# ҲАРБӢЙ СОҲАНИНГ ЯНА БИР ТАЯНЧИ

Бугунги технологик тараққиёт шиддат билан давом этар экан, математиканинг энг асосий бўлимларидан бири бўлмиш алгебра нафақат таълим тизими, балки жамиятнинг барча стратегик йўналишлари учун таянч кучга айланмоқда. Айниқса, ҳарбий соҳада қўлланилаётган замонавий технологиялар, разведка тизимлари, дронлар, ракета бошқаруви ва киберхавфсизлик воситалари ортида айнан алгебрик моделлар ётади. Бироқ кўпчилик ҳанузгача алгебрани фақат синф доскасидаги тенгламалар билан чекланган



фан, деб тасаввур қилади. Асл муаммо ҳам шунда — алгебра ҳаётнинг, айниқса, ҳарбий соҳанинг стратегик механизмларини яратишда қандай улкан роль ўйнашини кўпчилик англамайди.

Шу нотўғри тасаввур сабаб ўқувчи ёки ёш мутахассис алгебра ва реал ҳарбий технологиялар ўртасидаги боғлиқликни сезмайди. Аслида эса замонавий армияларни бошқариш, хавфсизликни таъминлаш, нишонга олиш тизимлари, сунъий интеллектга асосланган ҳарбий ускуналар, разведка маълумотларини қайта ишлаш, шифрлаш ва радиолокация тизимлари — буларнинг барчаси алгебраик ҳисоб-китобларга асосланади. Масалан, ракетаинг парвоз траекториясини ҳисоблашда дифференциал тенгламалар, дронларнинг мувозанат ва йўналишини бошқаришда матрицали алгебра, ҳарбий алоқа тармоқларини ҳимоялашда эса криптографик алгоритмлар қўлланилади. Ҳатто разведка сунъий йўлдошлари юбораётган сигналларни таҳлил қилиш ҳам алгебраик моделларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Алгебрани нафақат таълим жараёнида, балки ҳарбий-амалий мисоллар билан уйғунлаштириб ўргатиш зарур. Ўқувчи ва тингловчилар дронлар қандай бошқарилишини, ракета тизими қандай нишонга йўналтирилишини,

ҳарбий тармоқларни ҳимояловчи шифрлаш механизмлари қандай ишлашини алгебрага боғлай олганда, унинг фанга бўлган муносабати тубдан ўзгаради. Бу ёндашув ёшларнинг мантиқий фикрлашини, таҳлилий салоҳиятини оширади ва уларни миллий хавфсизлик учун муҳим бўлган ҳарбий-илмий йўналишларга қизиқтиради. Энг муҳими, алгебра ёш авлодни замонавий ҳарбий технологияларни ишлаб чиқиш, бошқариш ва ҳимоя қилишда етук мутахассисга айлантириш учун асосий платформа бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, алгебра — нафақат илм-фан ёки иқтисод, балки миллий мудофаанинг кучли пойдеворидир. Унинг ёрдамида яратилаётган ҳарбий технологиялар мамлакат хавфсизлигини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Алгебра фикрлашни чархлайди, стратегик қарор қабул қилишни ўргатади ва ёшларни ҳарбий соҳадаги мураккаб вазифаларга тайёрлайди. Демак, алгебрани чуқур билиш — нафақат келажакни, балки хавфсизликни таъминлашнинг ҳам муҳим гаровидир.

**Зафар МУРТОЗАҚУЛОВ,**  
ЧДПУ катта ўқитувчиси